

*Ш.Ф. Одилов,  
Стажёр тадқиқотчи-изланувчи,  
ТДИУ*

## **РИВОЖЛАНГАН ДАВЛАТЛАРЛАРДА ЛОГИСТИК ЖАРАЁНЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛИНИШИНИНГ ҲОЛАТИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ**

Замонавий иқтисодиётни асосий ривожлантириш йўналишларидан бири хизматлар соҳаси улушининг барқарор ўсиши ҳисобланади. Ҳозирги вақтда хизматлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, сервис соҳасидан даромадлар кўпайиши, ушбу соҳада бандлик даражаси ўсиши, рақобатнинг кучайиши, хизматлар экспорти ва импорти ошиши тенденциялари аксарият мамлакатларга хосдир. Замонавий ахборот технологияларини юқори ривожлантириш даражаси халқаро хизматлар савдосининг динамик ривожига катта таъсир кўрсатади, улардан кенг фойдаланиш ҳатто ишлаб чиқарувчидан узоқ масофада жойлашган истеъмолчилар учун ҳам турли хизматлардан фойдаланишни осонлаштиради.


Бу ўзгаришлар, мамлакатлар ўртасидаги ортиб боровчи товар айланиши ва кишиларни доимий жойлаштириш миқёслари кенгайиб бориши билан бирга замонавий жаҳон бозорида логистика хизматларининг роли ўсиши билан белгиланади. Шунинг учун, сўнгги вақтларда турли мамлакатларга хос бўлган логистик хизматлар ҳажми ўсиши жаҳон товар ва хизматлар савдосига жалб этилган ҳамма мамлакатларда кузатила бошланди. Бундан ташқари логистика глобаллашув жараёнларининг катализаторига айланмоқда. Жаҳон бозорини ривожлантиришнинг санаб ўтилган тенденциялари логистик хизматларни ривожлантиришнинг ҳозирги ҳолатини тадқиқ этиш долзарблиги, шунингдек, халқаро савдо инфратузилмасини ривожлантиришга, уларнинг таъсирини баҳолаш даражаси ўсишини ифодалайди.

Жаҳон ёки халқаро транспорт тизими XX асрда тўлиқ шакллантирилди, бироқ, шундан сўнг ҳам у доимий ривожланиш ҳолатида бўлиб келмоқда[1]. Мазкур тизимда ушбу ривожланишга кўмаклашувчи инновацион ва ахборот-коммуникация технологиялари катта аҳамият касб этади. Ривожланишнинг асосий йўналишлари –янги транспорт турларини яратиш ва жорий этиш, транспорт йўлларининг ўтказиш хусусиятларини ошириш, ҳаракатланиш тезлигини ошириш, ҳавфсизликни ошириш ва юк ташиш ҳажмини оширишдан иборат. Ҳозирги вақтда бу тизимни бошқариш катта ҳажмдаги операциялар, масалан, сфетофор сигналларини тартибга солиш, темир йўлларда кўрсаткич белгиларини бошқаришни амалга ошириш билан боғлиқ.

Юк айланмаси, йўловчи айланмаси, йўлларнинг умумий узунлиги ва ушбу тизим ишида банд бўлган кишилар сони жаҳон транспорт тизимини асосий баҳолаш кўрсаткичи ҳисобланади. Йўлларнинг замонавий инфратузилмасини ташкил этувчи элементлар транспорт йўлаклари, транспорт узеллари – транспорт воситалари тури ҳисобланади (1-расм).

Транспорт йўлаклари – бу мамлакатлар ўртасида юк ва йўловчи ташувларини таъминловчи зарурий воситаларга эга турли транспортларнинг магистрал транспорт коммуникациялари йиғиндиси ҳисобланади. Халқаро йўлаклар тизими экспорт ва транзит магистрал қувурларини ўз ичига олади[1].

Транспорт узеллари – бу йўловчи ва юкларнинг транзит, маҳаллий ва шаҳар ташувларига хизмат кўрсатиш бўйича операцияларни бажарувчи баъзи транспортларнинг тўқнашиш нуқтасидаги транспорт қурилмалари мажмуидир. Мазкур тармоқлар тартибга солиш клапанлари вазифасини бажаради, уларнинг туриб қолиш ҳолатлари бутун тизимнинг амал қилишида муаммолар келтириб чиқаради[1].



**1-расм. Маълумот йўналиш инфраструктураси<sup>1</sup>**

<sup>1</sup>Манба. Муаллиф ишланмаси.

Глобал транспорт тизими турли таркибга эга минтақавий транспорт тизимларини ўз ичига олади. Масалан, иқтисодий ривожланган мамлакатларда транспорт тармоқлари етарлича зич (100 кв.кмга 50-60 км йўл), ривожланаётган мамлакатларда эса улар нисбатан камроқ (100 кв.кмга 5 - 10 км). Жаҳон бўйича йўллар масофаси узунлигининг 30 % кўплаб транспорт воситаларида юк айланмаси бўйича етакчи ҳисобланган Шимолий Америкага тўғри келади[2].

Денгиз йўлларидан ташқари жаҳон транспорт тармоқларининг умумий узунлиги 38 млн. км.дан юқори, яъни автомагистрал - 26 млн. км; темир йўллар-1.24 млн. км; қувурлар - 1,8 млн.км; ҳаво йўллари - 9,6 млн.км; дарё йўллари- 0,57 млн. км.ни ташкил этади. Ривожланган мамлакатларда транспорт тармоқларининг узунлиги жаҳон транспорт тармоқлари умумий узунлигининг қарийб 79 %ини ташкил этади. Жаҳон юк айланмасининг тахминан 75 %и уларга тўғри келиши мумкин[2].


Логистика хизматлари ўзига хос товар ҳисобланиб, транспорт турлари, ташувларнинг географик ҳудудлари ва ташилувчи юклар турига кўра фарқланувчи халқаро транспорт бозорларида сотилади ва харид қилинади.

Барча хизмат турларининг умумжаҳон экспорти ва импортида транспорт хизматлари улуши тахминан 24%ни ташкил этади (5,5 трлн. АҚШ долл.). Албатта, жаҳон бозорига транспорт-экспедиция хизматлари таъминотчилари энг йирик товар экспортчиларидан қийматли кўрсаткичлар бўйича ортда қоладилар [3].

АҚШ логистика хизматларининг энг йирик таъминотчиси ҳисобланади. Уларнинг экспорти қарийб 80 - 90 млрд. АҚШ долл.ини ташкил этади. Лекин улар йилига умумий қиймати 90 - 100 млрд. АҚШ долл.дан иборат транспорт-экспедиция хизматларини ҳам импорт қилади. Германия (25 - 26 млрд. АҚШ долл.), Япония (40 - 45 млрд. АҚШ долл.), шунингдек Буюк Британия, Нидерландия, Гонконг (22 - 28 млрд. АҚШ долл.), Корея ва бошқалар жаҳонда ушбу хизматларнинг энг йирик экспортчиларидандир. АҚШ логистик хизматлар импортида ягона етакчи ҳисобланади. Транспорт хизматлари импорти ҳажми бўйича АҚШдан кейинги ўринда: Германия - 52 млрд. АҚШ долл. (бозорнинг 7,56%и); Япония - 42,3 млрд. АҚШдолл. (бозорнинг 6,24%и); Буюк Британия - 35,8 млрд. АҚШ долл. (бозорнинг 5,21%и); Франция - 29,5 млрд. АҚШ долл. (бозорнинг 5,01%и); Дания - 23,9 млрд. АҚШ долл. (бозорнинг 3,48%и); Ҳиндистон - 31,1 млрд. АҚШ долл. (бозорнинг 3,47%и); Корея Республикаси - 29,9 млрд. АҚШ долл.и (бозорнинг 3,41%и); Италия - 22,6 млрд. АҚШ долл.(бозорнинг 3,3%и); Нидерландия - 16,6 млрд. АҚШ долл. (бозорнинг 2,41%и) ва бошқалар туради (маълумотлар ўртача йиллик ҳажмда

Жаҳон товар савдоси бозорига етакчи ҳисобланган қатор мамлакатларда транспор-экспедиция хизматлари импорти экспортдан юқорилиги қайд этилган[1]. Баъзи мутахассислар бу тушунчани, ушбу мамлакатлар баҳоси қаммат тайёр маҳсулотни асосан контейнерларда

экспортга етказиб беришда ифодаляйдилар. Контейнерларни ва контейнер тизимини яратиш транспорт ташувлари тизимидаги кашфиёт ҳисобланади. Кейинроқ янги транспорт турлари, яъни контейнер ташувчилар ва қурилиш терминаллари яратилди. келтирилган)[4]. Ушбу терминалларда товарлар юкланади. Масалан, жаҳон донали юкларнинг 90 %и контейнерларда ташилади. Кам тоннали қиммат маҳсулотни контейнер ёрдамида ташишнинг умумий ҳажми (масалан кимёвий маҳсулотлар), масалан, нефтни шахсий кемада ташиш, айнан шу нефтни ташувчи бегона кемалар фрахтига нисбатан арзонроқ. 20 та энг йирик жаҳон контейнер портларидан 13 таси Осиёда (шу жумладан Хитойда), тегишли равишда тўрт ва учтаси Европа ва АҚШда жойлашган. Хитой портлари янада тезкор таракқий этмоқда, бу эса мамлакат иқтисодиётининг юқори суръатларда ривожланиши, тайёр маҳсулот товар экспорти таркибида устунлик қилиши билан боғлиқ (экспортнинг 2/3 дан кўпроғи)[5]. CapGeminiErnst&YoungInc. йиллик тадқиқот маълумотларига кўра, логистик хизматларига талабнинг ҳозирги географик тузилиши қуйидаги кўринишга эга бўлади (2-расм):




## 2 –расм. 2011 йилда талабга эғаликнинг географик тузилиши[5].

Россияда Москва шаҳри энг йирик транспорт тармоғи ҳисобланади. У ерда 5 турдаги транспорт кесишади: темир йўллари(11), автомагистраллар(15), газ қувурлари(5), нефть қувурлари(3). Мазкур шаҳарда 3 та дарё порти, 9 та вокзал ва 5 та аэропорт жойлашган. Бошқа транспорт тармоғи – Владивостокдир. Бу шаҳарда транссибирь темир йўли яқунланиб, кўплаб денгиз йўллари бошланади.

Жаҳон бозорида йўловчи айланмаси бўйича (3-расм) автомобиль транспорти биринчи ўрин - (71%), ҳаво йўллари иккинчи ўрин - (18%), темир йўллари учинчи ўринни (10%) эғаллайди. Агар денгиз транспортига тўхталадиган бўлсак, у ҳолда бу транспорт сўнги ўринда, жаҳон товар айланмасининг қарийб 1%и унинг улушига тўғри келади [7].

Intesco Research Group консалтинг компаниясининг мутахассислари

томонидан ишлаб чиқилган “Транспорт компаниясининг янги бизнес-режаси – 2011 (молиявий моделга эга)” маълумотларига кўра, 2006 йилдан 2008 йилган бўлган даврда логистик хизматлар бозори юқори суръатларда ўсган. [8]. 2010 йилда иқтисодий вазият ўзгариб, бозор ҳажми 25 %га ўсди. 2012 йил охирида логистик хизматлар бозори ҳажми 60 млрд. доллардан ошиши мумкинлиги кутилмоқда.



**3 -расм Жаҳон йўловчи айланмасида ҳар бир транспорт турининг улуши [6].**

Бозорнинг қолган улуши бошқариш ва тарқатиш бўйича хизматлар ўртасида тақсимланган. Транспорт-экспедиторлик компанияси 2010 йилда Россия бозорида логистик хизматларни тақдим этувчи жами компанияларнинг ярмини ташкил этган. омбор операторларига яна 40% тўғри келган. Қолган 10 %и ИТ-хизматлари таъминотчилари, дистрибуторлар ўртасида тақсимланган.

Жаҳон транспорт тизимининг умумий ривожланиш омиллари инновацион ва ахборот технологиялари ҳисобланади, улардан фойдаланиш янги транспорт турларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, транспорт йўлларининг ўтказиш қобилиятини ошириш, ҳаракатланиш тезлиги ортиши, хавфсизликни ошириш ва юклар ҳажмини кўпайтиришга кўмаклашади.

Ҳозир жаҳонда баъзи кучли транспорт ва транспорт-экспедиторлик фаолияти кооперацияси шаклида ягона логистик мажмуа ҳамда юз минглаб ўрта ва кичик экспедиторлик фирмалари ва логистик корхоналар юзага

келди. Халқаро экспедиторлик ассоциациялари Федерациясининг маълумотларига кўра [9], ҳозирги вақтда жаҳонда ушбу соҳада ходимлари сони 8 млн. кишидан иборат 35 000 та йирик ва ўрта экспедиторлик фирмалари фаолият юритмоқда. Логистик фирмалар магистрал транспорт турларида 60 % ташувни ва 75 %гача халқаро ташувларни назорат қилади.

Шундай қилиб, йўллар, транспорт компаниялари ва транспорт воситаларини ўз ичига олувчи жаҳон транспорт тизими 20 асрда тўлиқ шакллантирилди. Бироқ унинг такомиллаштирилиши ва ривожланиши бугунги кунда узлуксиз жараён ҳисобланади, бу эса йўлларнинг умумий узунлиги ва ушбу тизим ишида банд бўлган кишилар сони, юк айланмаси, йўловчи айланмаси кўрсаткичларининг ўсиш қийматини акс эттиради.